

соҳаси ўзининг юқори даромадлиги ва субъектларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қила олмасликлари боис, иқтисодий жиноятчилик учун яхши муҳит бўлиб ҳисобланади.

Реал хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар давлат органларидан онгли равишда, атайлаб яширилиши ёки миллий статистика тизимида қамраб олинмаслиги мумкин. Бундан ташқари соҳта (фиктив) иқтисодиёт ҳам мавжуд бўлиб, унда фаолият фақат қоғозда амалга оширилади.

Статистик ҳисоб-китоблардан тадбиркорлик фаолиятининг турли элементлари тўғрисидаги маълумотлар яширилиши ёки онгли равишда маълумотларни бузиб кўрсатилиши мумкин:

-корхонани яшириш (рўйхатдан ўтказмасдан ёки лицензия олмасдан хўжалик фаолиятини амалга ошириш);

- хўжалик операцияларини яшириш (уларни шартнома ва ҳисоботларда акс эттирмаслик);

- ишчи кучини яширин равишда ёллаш (ишчи кучини меҳнат шартномаларини рас-

миллаштирмасдан ёллаш); меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотларни (иш ҳақи, пенсия ва суғурта тўловлари, техника хавфсизлиги, иш вақти ва б.) бузиб кўрсатиш;

- даромадларни яшириш (солиқ тўлашдан қочиш).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хуфиёна фаолиятни олдини олиш ва уни очиқ фаолиятга айлантириш учун у билан курашиш эмас балки тартибга солиш чоратадбирларини тўғри белгилаш зарур. Бунинг учун:

1. Тўғри солиқ сиёсатини танлаш;

2. Солиқ ва божхона қонунчилигини такомиллаштириш;

3. Иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш;

4. Соғлом рақобат муҳитини яратиш.

Ўйлаймизки, юқоридаги тадбирларга эътибор қаратиш хуфиёна иқтисодиёт миқёсларини камайтиради, мамлакат иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлайди ва барқарор иқтисодий ўсиш имкониятларини яратади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». –М., 2005, с.33
2. Мага А.А., Николау П.Э. Анализ масштабов теневой экономики в Республике Узбекистан // Теневая экономика. (№-2. 2019) Том 3. Стр 115-116. [https:// creativekonomy](https://creativekonomy).
3. Экономическая безопасность России. Под общ. ред. акад. Г.Сенчагова. Москва. «ДЕЛО». 2005, с.764
4. Ortiqov A.A., Isaxodjaev A.T., Shestakov A.V. Xufiyona iqtisodiyot. Toshkent, 2002. 25 –b.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. –Т.: «Маънавият», 2019. – 312 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 й. 25 январь, № 19 (7521) 2 бет.
7. <https://www.imemo.ru>. 2018 г.
8. [fincan.ru/articles/95](https://fincan.ru/articles/95). Tenevaya – ekonomika-stran-mira. 28.01.2018 г.

## **УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Бердиев Ғайрат Ибрагимович –  
Гулистон давлат университети тадқиқотчиси  
Қорабоев Нуриддин Пардабой ўғли –  
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётни  
ривожлантиришнинг илмий асослари  
ва муаммолари"ИТМ, таянч докторант**

**Аннотация:** Мамлакатимизда уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини оширишда аҳолининг ялпи даромадига уларнинг ёлланма меҳнат ва мустақил равишда олган даромадлари таъсирининг кўп вариантли (инерцион, базисли, мобилизацион) эконометрик моделини ва 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Мақолада берилган таклифлар Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Таянч тушунчалар:** уй хўжаликлари, даромад, бозор иқтисодиёти, иқтисодий инқироз, инсон капитали, ишлаб чиқариш, меҳнат ресурслари, инвестициялаш.

**Аннотация:** Для повышения экономической активности домашних хозяйств в стране была разработана многомерная (инерционная, базовая, мобилизационная) эконометрическая модель и прогнозные показатели до 2030 года. Представленные в статье предложения послужат разработке программ социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года.

**Ключевые слова:** домохозяйства, доход, рыночная экономика, экономический кризис, человеческий капитал, производство, трудовые ресурсы, инвестиции.

**Annotation:** To increase the economic activity of households in the country, a multidimensional (inertial, basic, mobilization) econometric model and forecast indicators up to 2030 were developed. The proposals presented in the article will serve to develop programs for the socio-economic development of the Republic of Uzbekistan until 2030.

**Key words:** households, income, market economy, economic crisis, human capital, production, labor, investment.


Мамлакатимизда уй хўжаликлари мустақил иқтисодий субъект сифатида меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, инсон капиталини жамғариш ва жамғармаларни реал иқтисодий секторларга инвестициялаш каби функцияларни қанчалик даражада иқтисодий фаол амалга оширса, шунга мос равишда иқтисодий тизим барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш имкониятларига эга бўлиб боради. Улар иқтисодиётда нисбатан, барқарорликка интилиш йўлидаги иқтисодий фаоллиги орқали иқтисодий ўсишни ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни қўллаб-қувватлайди. “Ҳақиқатдан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”[1].

“Даромад – бу ўз соҳибининг ихтиёрида бўлган зарурий неъматлар истеъмолини таъминлашнинг пул ёки моддий асосини ташкил этадиган ҳамда янгидан даромад келтириш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этувчи неъматлар йиғиндисидан ташкил топган ресурслардир”[2]. Бозор иқтисодиётнинг ўзига хос тақсимот қонуни бўлиб, унга кўра, “...иқтисодиёт субъектлари даромади уларга тегишли ресурсларнинг миқдори ва самарали иштирокига боғлиқ бўлади”[3]. Бу қонун бозор даромадларига тааллуқли. Аммо уй хўжаликлари ихтиёрига нобозор даромадлари ҳам

келиб тушади. Бу даромадни бозор қонунлари эмас, балки уларнинг инсонпарварлик муносабатлари юзага келтиради.

Уй хўжалиқларининг жорий пул даромадлари билан бир қаторда уларнинг иқтисодий салоҳиятининг таркибий қисми бўлиб, мол-мулк каби моддий активлар билан таъминланганлик ҳисобланади. Мазкур активлар, уй хўжалиқларининг даромадлари билан истеъмол даражаси ўртасидаги узоқ муддатли алоқаларни ифодаланганлиги, аҳолининг ижтимоий табақаланиши ва аҳоли турмуш даражасини ифода этувчи муҳим индикатор кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий инқироз шароитида уй хўжалиқларининг пул кўринишига эга бўлмаган моддий активлари уларнинг янги макроиқтисодий шарт-шароитларга мослашишига имкон берувчи стратегик ресурслар ҳисобланади.

Уй хўжалиқларининг умумий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиғи ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан ташкил топади. 2018 йилда аҳолининг ялпи даромадлари 286,3 трлн. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 110,3 %га ўсди.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолини умумий даромадларининг таркиби (фоизда)[6]**

Таҳлилларга кўра аҳолининг пул даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятдан ва трансфертлардан олинган даромади пасайиб бориш тенденциясига эга. Ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятдан олинган даромади тадқиқ этилаётган даврда 41,5 %дан 34,5 %гача, трансфертлардан олинган даромади 28,4 %дан 23,5 %гача пасайган. Бу даврда аксинча аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад улуши 25,8 %дан 36,7 %гача ўсган. Мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан олинган даромадларнинг улуши ўсиб бормоқда. Тадқиқ этилган даврда ялпи аҳоли даромадлари таркибида уларнинг улуши 52,2 %дан 2018 йилга келиб 62,1 %га ўсди.

Миллий иқтисодиёт субъекти сифатида уй хўжалиklarининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши ўз-ўзича оддий ҳолат эмас балки мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Бу энг аввало, мазкур иқтисодий феноменнинг икки-ёқлама табиатга эга эканлиги билан изоҳланади. Бунда уй хўжалиklари вакили бўлган инсон - ижтимоий ва иқтисодий индивид сифатида, улар томондан бажариладиган ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимлаш функциялари ёки уларнинг маълум бир уйғунлигида майдонга чиқади. Уй хўжалиklarининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши бир томондан – иқтисодий жараён бўлса, иккинчи томондан эса – ижтимоий жараён ҳисобланади. Мавжуд ресурслар, мақсад ва вазифалар, вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда уй хўжалиklари ўзлари учун мақбул бўлган иқтисодий фаоллик ва турмуш даражасини таъминлашнинг усул ва воситаларини танлайдилар. У ёки бу хатти-ҳаракатларни танлашга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси, унинг географик жойлашуви ва табиий-иқлим шароитлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

В. Нордхаус уй хўжалиklarини, иқтисодий тизимнинг нобозор элементи сифатида талқин этган ҳолда, уларнинг иқтисодий са-

марасини ҳисоб-китоб қилишга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилишган[4]. Унинг ҳисоб - китобларига кўра, 1850-1950 йилларда уй хўжалиklarининг бозор ва нобозор битимлари нисбати деярли ўзгармаган ҳолда мос равишда 58,8 % ва 41,2 %ни ташкил этган. Уй хўжалиklarининг иқтисодий фаоллигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бу уларнинг мулкый жиҳатдан таъминланганлик даражаси бўлиб ҳисобланади. Уй хўжалиklarида қанчалик даражада мулк объектлари (моддий ва молиявий) ҳажми ва миқдори қанчалик кўп бўлса уларнинг иқтисодий фаоллик даражада шунчалик юқори бўлади. Уларнинг мулк объектларига: ер, ишлаб чиқариш воситалари, пул ва қимматли қоғозлар, инсон капитали, шахсий, оилавий, хусусий меҳнат, ёлланма хусусий мулк, ахборотлар ва х.к. киради. Тадбиркор ва ишбилармон уй хўжалиklари ушбу ресурслардан максимал самара олишга ҳаракат қилади. Улар ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини ва инсон капиталининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва юқори даражада даромад олиш мақсадида, иқтисодиётнинг бошқа субъектлари ўртасида ресурслардан айирбошлаш объекти сифатида фойдаланишади. Уй хўжалиklари ўзларига тегишли ер, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериб даромад олиши, пул маблағларини банк омонатларига кўйиб фоиз шаклида даромад, ахборот ва маълумотларни айирбошлаб қўшимча даромад олишлари мумкин.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бу аҳоли даромадларини оширишдир. Аҳоли даромадлари таркибий қисмида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ва ёлланиб ишлашдан олинган даромадлар муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизда аҳоли даромадларини башорат қилиш учун аҳолининг умумий даромадлари ва мустақил равишда олинган даромадлар ҳамда ёлланиб ишлашдан олинган даромадлар ўртасидаги боғлиқликдан фойдаланамиз. Агар буни кўп омилли эконометрик модел шаклида ифодаласак бу куйидаги кўринишга келади.

$$\ln[(AD)_t] = \beta_0 + \beta_1 \ln(MD_t) + [\beta_2 \ln(YD)_t] + \varepsilon$$

Бу ерда:

$AD_t$  -2005-2018 йилларда аҳоли даромадлари, 2005 йил баҳоларида;

$MD_t$  –2005-2018 йилларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, 2005 йил баҳоларида;

$YD_t$ -2005-2018 йилларда ёлланиб иш-лашдан олинган даромадлар, 2005 йил баҳо-ларида.

$\beta_0, \beta_1$  va  $\beta_2$  регрессия тенгламаси пара-метрлари;

$\varepsilon$  - регрессия тенгламасининг стохастик қисми.

Бу тенгламада натижаларни изоҳлашни осонлаштириш ва олинган ўзгарувчилардаги дисперцияни камайтириш мақсадида ўзга-рувчилар натурал логарифмик кўринишга

олиб келиб олинган. Ушбу тенглама пара-метрларини топиш учун энг кичик квадрат-лар усулидан фойдаланамиз. Эконометрик моделни келтириб чиқариш учун 2005-2018 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари, мус-тақил равишда банд бўлишдан олинган да-ромадлар ва ёлланиб ишлашдан олинган да-ромадлар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари-дан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари, ёлланиб ишлашдан олинган даромад ва мустақил равишда банд бўлишдан даромад (млрд. сўмда) [6]**

Йиллар	Аҳоли даромадлари	Мустақил равишда олинган даромад	Ёлланма ишчилар даромади
2005	9728,6	2509,979	4037,369
2006	12954,9	3109,176	5661,291
2007	16872,7	4066,321	7390,243
2008	22894,8	5609,226	9959,238
2009	30862,2	7653,826	13610,23
2010	47645	11911,25	21440,25
2011	62590,5	16586,48	26851,32
2012	77469,3	19987,08	32149,76
2013	95676	25258,46	38461,75
2014	110024,3	32677,22	43569,62
2015	133129,403	42068,89	54849,31
2016	158423,99	54497,85	61626,93
2017	186200	64239	63866,6
2018	286300	105072,1	98773,5

Олинган ўзгарувчилар тасвирий статис-тикаси ва 2005-2018 йиллардаги динамикаси

қуйидаги 2-жадвалда ва 2-расмда келтирил-ган.

2-жадвал

**Аҳоли даромадлари, мустақил равишда олинган даромадлар ва ёлланиб ишлашдан олинган даромадларнинг тасвирий статистикаси, млрд. сўм (Ўзгарувчилар 2005 йил баҳоларига келтириб олинган) [6]**

Ўзгарувчи	Ўртачаси	Ўртача квадратик четланиш	Минимум	Максимум
Аҳоли даромадлари	20807,57	8375,28	9728,6	36384,06
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган аҳоли даромадлари	6163,05	3410,08	2509,98	13352,95
Ёлланиб ишлашдан олинган аҳоли даромадлари	8326,51	2788,36	4037,37	12552,50

2005-2018 йиллар мобайнида аҳоли да-ромадлари, мустақил равишда банд бўлиш-дан олинган даромадлар ва ёлланиб ишлаш-дан олинган даромадлар ҳақидаги Ўзбеки-стон Республикаси Давлат Статистика Қўми-таси маълумотларидан фойдаланиб, қуйида-ги графикни ҳосил қиламиз:

Кўп омилли эконометрик моделни шакллантириш учун барча ўзгарувчилар қий-мати 2005-йилги баҳоларга айлантриб олинди. Бунда йиллик ялпи ички маҳсулот

дефляторидан фойдаланилди. Ушбу берилган маълумотлардан фойдаланиб, энг кичик квадратлар усулида регрессия тенгламасини топиб оламиз. Натижалар 3-жадвалда кел-тирилган.

3 ва 4-жадвалларда регрессия тенглама-си параметрлари ва регрессия тенгламаси-нинг дисперцион таҳлили натижалари келти-рилган. Дисперцион таҳлил натижаларига кўра регрессия тенгламаси умумий жиҳатдан статистик жиҳатдан аҳамиятли.



2-расм. Аҳоли даромадлари, ёлланиб ишлашдан олинган даромад ва мустақил равишда банд бўлишдан даромад (млрд. сўмда 2005-йил баҳоларида)[6]

Чунки F-статистиканинг P-қиймати жудаям кичик (0.0001). Агар муҳимлик даражаси 1% деб олинган тақдирда ҳам, регрессия тенгламасидаги омил белгиларнинг натижавий белгига таъсир статистик жиҳатдан аҳамиятли. 3-жадвалдаги маълумотларга таяниб

шуни хулоса қилиш мумкинки, олинган омиллар яъни мустақил равишда олинган даромадлар ва ёлланиб ишлашдан олинган даромадларнинг ҳар бирининг аҳоли даромадларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли.

3-жадвал

Дисперсион таҳлил ва регрессия тенгламасининг F-статистикаси мезони бўйича текшириш натижалари

Source	SS	DF	MS	Number of obs.	=	14
Model	2,43404657	2	1,217023	F(2,11)	=	1927,255
Residual	0,006946281	11	0,000631	Prob>F	=	0.0001
Total	2,440992851	13		P-squared	=	0.996

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида “STATA 14” дастурида ҳисоблаб чиқилган.

Чунки, иккала омил учун ҳисобланган t-статистиканинг p-қийматлари ҳам жуда кичик сонлар бўлиб, агар муҳимлик даражаси 1% ёки 0,1% деб олинган тақдирда ҳам бу

омиллар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб қолаверади. 3-жадвалдаги регрессия коэффицентларидан қуйидаги тенгламани келтириб чиқаришимиз мумкин.

4-жадвал

Регрессия тенгламаси параметрларининг қийматлари

	Coef.	Std. err.	T	P> t	95 % Conf. Interval	
$\ln(MD_t)$	0,406336089	0,045615346	8,907881	2,32E-06	0,305937	$\ln(MD_t)$
$\ln(YD_t)$	0,552777227	0,068782622	8,036583	6,25E-06	0,401388	$\ln(YD_t)$
Cons.	1,416862943	0,262291734	5,401859	0,000216	0,839563	Cons.

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида “STATA 14” дастурида ҳисоблаб чиқилган.

$$\ln(AD_t) = 1.417 + [0.406 \ln(MD)_t] + 0.553 \ln(YD_t)$$

Юқоридаги тенгликдаги регрессия коэффицентларини қуйидагича изохлашимиз мумкин, мустақил равишда олинган даромадларнинг бир фоизга ошиши аҳоли даромадларини 0.406 % га ошишига олиб келган. Ёлланма ишчиларнинг даромадларининг 1%га ошиши аҳоли даромадларининг 0.553 % га ошишига олиб келган. Ушбу моделдан кўриниб турибдики, тадқиқ этилаётган

даврд аҳоли даромадлари таркибидаги ёлланма ишчиларнинг даромадлари аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларига нисбатан эластиклиги катта кўрсаткични ташкил этмоқда. Яъни, 2005-2018 йилларда аҳоли даромадларини ўсишида ёлланма ишчилар даромадларининг ошиши юқори аҳамият касб этиб келган.




Базисли, инерцион ва мобилизацион усулда аҳоли даромадлари истиқболли прогнозлари 2005 йил баҳоларидаги миллиард сўмд 2019 йилга нисбатан фоизларда

Йиллар	Базисли усулда прогноз		Инерцион усулда		Мобилизацион усулда	
	2005 йил баҳоларида аҳоли даромадлари	Аҳоли даромадларининг 2018 йилга нисбатан ўсиши, %	2005 йил баҳоларида аҳоли даромадлари	Аҳоли даромадларининг 2018 йилга нисбатан ўсиши, %	2005 йил баҳоларида аҳоли даромадлари	Аҳоли даромадларининг 2018 йилга нисбатан ўсиши, %
2019	41176,05	114,09	41176,05	114,0915	41370,82	114,6312
2020	45598,54	126,35	42276,63	117,141	47054,56	130,3798
2021	50496,02	139,92	45263,77	125,4178	51388,07	142,3872
2022	55919,52	154,94	48461,97	134,2795	56120,68	155,5004
2023	61925,52	171,58	54037,88	149,7293	63830,82	176,8638
2024	68576,6	190,01	57856,04	160,3088	75610,99	209,5046
2025	75942,03	210,42	61943,97	171,6357	85998,82	238,2874
2026	84098,54	233,02	66320,75	183,763	101870,2	282,264
2027	93131,1	258,05	69578,7	192,7901	115865,6	321,0429
2028	103133,8	285,77	75042,38	207,929	137248,9	380,2923
2029	114210,8	316,46	82596,25	228,8595	156104,9	432,5388
2030	126477,6	350,45	86653,72	240,102	184914,5	512,3652

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалда 2019-2030-йиллар учун прогноз қийматлари ва ўсиш суръатлари таққосланган. 2005-йил баҳоларида аҳоли даромадлари ва аҳоли даромадларининг 2018-йилга нисбатан ўсиши, фоизда

(базисли, инерцион ва мобилизацион) усулларда аҳоли даромадлари истиқболли прогнозлари келтирилган. 5-жадвал маълумотлардан келиб чиқиб, қуйидаги графикни ҳосил қиламиз:



3-расм. Базисли, инерцион ва мобилизацион усулда аҳоли даромадлари прогнозлари 2005-йил баҳоларидаги миллиард сўмда

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Берилган маълумотлардан ҳамда келтириб чиқарилган регрессия тенгламасидан келиб чиқиб, 4-жадвал ва 3-расмда 2019-2030-йиллар учун прогноз қийматлари ва ўсиш суръатлари келтирилган. Ушбу истиқболли прогнозлардан тадқиқ этилаётган даврда уй хўжалиklarининг ялпи даромадларини шаклланиш жараёнида қуйидаги тенденцияларни кузатиш мумкин:

- уй хўжалиklarининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлари ҳам-

да ёлланиб ишлашдан олинадиган даромадлари баъзисли ўсиш суръатларида сақланиб қолса, у ҳолда 2030-йилга келиб аҳоли даромадлари 2018-йилга нисбатан 2,4 баробарга ўсиши кузатилиши мумкин;

- уй хўжалиklarининг даромадларини ўсишида инерцион тенденция сақланиб қолса, аҳоли даромадлари 2030-йилга бориб 3,5 баробарга ўсиши мумкин.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - Тошкент. // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
2. Хасанов Р. Бозор даромадлари: моҳияти таркибий тузилиши ва табақаланиши. – Т. Т.М.И. Босмаҳонаси 2004. 19-20-б.
3. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т., “Иқтисод-молия” 2014. 434-б.
4. Нордхаус В.Д. «Экономика». Москва: "Лаборатория Базовых Знаний". 2000 год.
5. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномасининг 2005-2018 йиллар маълумотлари –Т.:2019.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2018 йиллар бўйича олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Муминова Элнора Абдукаримовна -  
Фарғона Политехника институти, и.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мақолада блокчейн технологиясидан микро ва макро даражадаги молия тизимида, суғурталаш тизимида, давлат бошқарув тизимида, электрон тижоратлаштириш жараёнида, саноат соҳасида, интеллектуаль мулкни ҳисобга олиш жараёнида, таълим тизимида, соғлиқни сақлаш тизимида унумли фойдаланиш натижалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Блокчейн, транзакция, децентрализация, блокчейн платформаси, маълумотлар инфраструктураси, биткоин, микроконтрактлар, логистика, Smart Property, Smart Government, IoT Smart Health Care

**Аннотация.** В статье описаны результаты эффективного использования технологии блокчейна в микро и макрофинансировании, страховании, государственном управлении, электронной коммерции, промышленности, интеллектуальной собственности, образовании и здравоохранении.

**Ключевые слова:** Блокчейн, транзакция, децентрализация, платформа блокчейна, инфраструктура данных, биткоин.

**Annotation.** The article describes the results of the effective use of blockchain technology in micro and macro financing, insurance, public administration, e-commerce, industry, intellectual property, education and healthcare.

**Keywords.** Blockchain, transaction, decentralization, blockchain platform, data infrastructure, bitcoin.

**Кириш.** Иқтисодиётнинг турли тармоқларида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали тармоқларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Блокчейн технологиясининг тармоқларга жорий этилиши очиқ, хавфсиз ва тақсимланган операциялар китобини тақдим этилиши билан ифодаланади. Технологияни амалиётда реализация қилиш валюта тизимларини татбиқ этишга қаратилган ва криптографик ибтидоларга асосланиб, улар крипто-валюталар деб номланади. Дизайнинг асосий ғояси марказлаштирилмаган концентрацияни рағбатлантириш, яъни номаълум иштирокчилар тармоғи глобал кўриниш ва битимларни тартибга солиш тўғрисида биргаликда қарор қабул қилиш имконини беради. Транзакциялар блокларга бўлинади ва ҳар бир турда қатнашувчи тегишли блокни таклиф қилиш учун сайланади. Албатта тармоқларни рақамлаштириш блокчейн технологиясига тўлиқ ўтилиши гарови бўлиб ҳисобланади. Мазкур жараёнда қатор муаммоли вазиятлар ҳам юзага келиши

мумкинлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, тармоқда блокчейн технологиясига асосланган янги платформани яратиш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, блокчейн платформаси ёзувларини узоқ муддатли сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, блокчейн технологиясининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш харажатлари, блокчейн платформасининг бошқарув жавобгарлигини белгилаш юзасидан ечимларни топиш, стандартлаштириш низомларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлик шартларини белгилаш кабилардир.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мавзу доирасида блокчейн технологиясининг имкониятлари ва бугунги кунда ушбу технологиядан фойдаланиб юқори иқтисодий ўсишга эришаётган давлатларда илмий изланиш олиб бораётган олималарнинг тадқиқотлари ўрганиб чиқилди. Хусусан, Singh, S, Singh. - блокчейн: молиявий ва кибер хавфсизликнинг келажаги[1], Fu, D., Fang, L: блокчейн ижтимоий тармоқда ишончли ҳисобкитобларни олиб бориш[2], Xu, X., Weber, I.,